



Жалқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2016 йил 2 ноябрь, № 216 (6651) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

АҲОЛИНИ ДОРИ-ДАРМОН ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЁТ БУЮМЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг аъзон ва сифатли дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминланганлик даражасини янада ошириш, уларнинг нархини белгилаш бўйича очик-ошкора механизмни жорий этиш, мамлакатимизда аъзон ва сифатли препаратлар бўлишига қарамасдан ташхис қўйиш ва даволаш стандартларида кўзда тутилмаган ҳамда асосан қиммат импорт дори-дармон воситаларини тасвия этиш каби номақбул амалиётнинг олдини олиш ва келгусида бундай ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадда:

1. 2017 йилнинг 1 январидан:

четдан олинб келинадиган, шунингдек, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларидан сотиб олинган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини улгуржи ва чакана сотиш, уларни етказиб беришда иштирок этувчи воситачилар сонидан қатъи назар, улгуржи савдо учун сотиб олинган қўймайдан 15 фоиздан, чакана савдо учун улгуржи нархидан 20 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорларда белгиланадиган чекланган савдо устамалари қўлланилган ҳолда амалга оширилади;

1-иловага қайд этилган ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини белгилаган нархларда сотиш;

1-иловага мувофиқ рўйхатда қайд этилган ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини четдан харид қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳар бир номдаги дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари учун белгиланадиган квоталар доирасида мамлакатимизда тегишли фаолият билан шуғулланиши лицензияга эга бўлган улгуржи ва улгуржи-чакана компаниялар ўртасида тендер ўтказиш асосида амалга оширилиши белгилансин.

2. Даволаш муассасалари ва аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни тизимли

асосда назорат қилиш учун Республика комиссияси 2-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Қуйидагилар Республика комиссиясининг асосий вазифалари аниқ белгилансин: мамлакатимиз фармацевтика бозорининг, жумладан, республикамизда ишлаб чиқарилган асосий дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланганлик даражасини тизимли таҳлил этиш ва шу асосда дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари турларини диверсификация қилиш ҳамда ички бозоримизни янада бойитишга доир тақрифлар ишлаб чиқиш, аҳолини дори-дармонлар билан таъминлашга маъсул давлат органлари фаолиятини такомиллаштириш;

рўйхатга киритилган ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари учун қайд этилган нархларни белгилаш ҳамда уларни дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари сотадиган ташкилотларга етказишни ташкил этиш;

рўйхатга киритилган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари нархларига риоя этилишини назорат қилиш тадбирларининг амалга оширилишини мониторинг қилиш;

қайд этилган нархлар белгиланадиган ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, ташхис қўйиш ва даволаш стандартларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тақдирда қарорлар қабул қилиш;

мамлакатимиз фармацевтика саноатига етакчи хорижий компаниялар ва инвесторларни янада кенг жалб этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш; вазирлик ва идоралар, улгуржи савдо ташкилотлари раҳбарларининг дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларига нарх белгилаш масаласи, шунингдек, аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг, жумладан, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, сифатли дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмларига бўлган эҳтижини қондиришига

оид амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини мунтазам эшитиш.

3. Тиббиёт муассасалари ва аҳолини дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлашни назорат қилиш бўйича Республика комиссияси тўғрисидаги Низом 3-иловага мувофиқ;

дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари нархини тартибга солиш тўғрисидаги Низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги зиммасига рўйхатга киритилган импорт дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини харид қилиш учун тендер савдолари ўтказиш вазифаси юксансин.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги:

дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг жаҳон нархлари конъюнктурасини таҳлил қилиш асосида Республика комиссиясига ҳар чоракда рўйхатда кўзда тутилган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари учун йўл қўйишга мумкин бўлган чекланган шартнома қийматини белгилашга доир тақрифлар киритсин, қиймати ушбу кўрсаткичдан юқори бўлган тендер тақрифлари кўриб чиқилмайдиган;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда 2016 йил 1 декабрдан рўйхатга киритилган импорт дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини харид қилиш учун тендер савдолари ўтказиш тўғрисидаги Низомни белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Белгилаб қўйилсинки, давлат соғлиқни сақлаш тизимидagi барча тиббиёт муассасалари рўйхатда кўзда тутилган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини ўрнатилган тартибда Республика комиссияси томонидан белгиланган улгуржи нархлардан ошмайдиган нархда сотиб олади.

6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

энг илгор халқаро амалиётни ҳисобга олган ҳолда асосий касалликларга ташхис қўйиш, уларни даволаш ва клиник протоколлар стандартларини қайта кўриб чиқиш жадвалини икки ҳафта муддатда тасдиқласин, бунда уч ой муддатда ташхис қўйиш, даволаш ва клиник протоколларнинг янгиланган стандартлари тасдиқланишини, шунингдек, зарур ҳолларда амалдаги ташхис қўйиш, даволаш ҳамда клиник протоколларни қайта кўриб чиқишни назорат қилиш; тасдиқланган ташхис қўйиш, даволаш стандартлари ва клиник протоколларга мувофиқ ҳар йили Республика комиссиясига рўйхатни ўзгартириш бўйича, биринчи навбатда, мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турларининг кўпайишига қараб улардан фойдаланишни кўзда тутилган тақрифлар киритсин;

ташхис қўйиш, даволаш ва клиник протоколларнинг янгиланган стандартларини барча тиббиёт муассасаларига, жумладан, фойдаланиш учун очик бўлган ахборот тизимлари орқали ўз вақтида етказишни таъминласин ҳамда уларга риоя этилишини қатъий назорат қилсин;

бир ой муддатда энг муҳим дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг барча дорихоналар учун мажбурий янгиланган минимал рўйхати, шунингдек, шифокор рецептсиз бериладиган дори-дармон воситалари рўйхатини тасдиқласин, унга зарурат туғилганда белгиланган тартибда ҳар йили ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин; юридик шахслар томонидан дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларига нарх белгилаш тартиби қўпол бузилганлиги учун лицензияни бекор қилиш шартлари, шунингдек, минимал рўйхат бўйича мажбурий талабларни назорат тутган ҳолда, бир ой муддатда Фармацевтика фаолиятини тўғрисидаги лицензия шартномасига қўшимчалар киритсин;

(Давоми 4-бетда).

4 ДЕКАБРЬ — САЙЛОВ КУНИ

Сайловолди ташвиқоти доирасида бугунги сонда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съезидagi маърузаси чоп этилмоқда. Мазкур маъруза Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

2-3-саҳифаларга қаранг.

Замонавий саноат корхоналари

ҳудудлар иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади



Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, эмин-эркин фаолият юритишлари учун қулай шарт-шароитлар яратишга доир қўллаб-қўлловчи ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

ИНТИЛИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхши-

лашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳам бизнес юритишнинг янада қулай муҳитини таъминлаш йўлидаги навбатдаги қадам бўлди, десак, айни ҳақиқат.

(Давоми 4-бетда).

САЙЛОВ — 2016

Сарвар Отамуратовнинг Хоразм вилояти сайловчилари билан учрашуви

Шу йилнинг 1 ноябрь кунини Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Сарвар Отамуратовнинг Хоразм вилояти сайловчилари ва жамоатчилиги билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда турли соҳалар, хотин-қизлар, ёшлар вакиллари, партия фаоллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Дастлаб номзоднинг ишончли вакили М. Тўрабоев йиғилган вакили Сарвар Отамуратов таржимаи холи билан таништирди. Шундан сўнг номзод Сайловолди дастурининг асосий йўналишларини баён этди.

Дастурда, энг аввало, маънавий-маърифий соҳага алоҳида эътибор берилганлигини таъкидлаб экан, номзод ўзигини англаган, қадрият ва аъёнларини эъзозлаган, тарихий хотирасини асраган халқ иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар тараққиётга юз тутиши хусусида гапирди.

Учрашувда турли соҳалар, хотин-қизлар, ёшлар вакиллари, партия фаоллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Дастлаб номзоднинг ишончли вакили М. Тўрабоев йиғилган вакили Сарвар Отамуратов таржимаи холи билан таништирди. Шундан сўнг номзод Сайловолди дастурининг асосий йўналишларини баён этди.

Дастурда, энг аввало, маънавий-маърифий соҳага алоҳида эътибор берилганлигини таъкидлаб экан, номзод ўзигини англаган, қадрият ва аъёнларини эъзозлаган, тарихий хотирасини асраган халқ иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар тараққиётга юз тутиши хусусида гапирди.

Учрашувда турли соҳалар, хотин-қизлар, ёшлар вакиллари, партия фаоллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Дастлаб номзоднинг ишончли вакили М. Тўрабоев йиғилган вакили Сарвар Отамуратов таржимаи холи билан таништирди. Шундан сўнг номзод Сайловолди дастурининг асосий йўналишларини баён этди.

Дастурда, энг аввало, маънавий-маърифий соҳага алоҳида эътибор берилганлигини таъкидлаб экан, номзод ўзигини англаган, қадрият ва аъёнларини эъзозлаган, тарихий хотирасини асраган халқ иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар тараққиётга юз тутиши хусусида гапирди.

Учрашувда турли соҳалар, хотин-қизлар, ёшлар вакиллари, партия фаоллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Дастлаб номзоднинг ишончли вакили М. Тўрабоев йиғилган вакили Сарвар Отамуратов таржимаи холи билан таништирди. Шундан сўнг номзод Сайловолди дастурининг асосий йўналишларини баён этди.

Дастурда, энг аввало, маънавий-маърифий соҳага алоҳида эътибор берилганлигини таъкидлаб экан, номзод ўзигини англаган, қадрият ва аъёнларини эъзозлаган, тарихий хотирасини асраган халқ иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар тараққиётга юз тутиши хусусида гапирди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Шавкат Мирзиёевнинг Андижон ва Фарғона вилоятлари сайловчилари билан учрашуви

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев 1 ноябрь кунини Андижон вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни ЎзЛиДеПнинг Шахрихон тумани кенгаши раиси Қахрамон Саримсоқов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Дастурда давлат ва жамият бошқаруви тизимини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш, иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, макро-иқтисодий барқарорлик ва изчил ўсиш суръатларини таъминлаш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, мамлакатимиздаги тинчлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, хусусий мулк ва тадбиркорлик ривожини йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, ҳудудларни комплекс ва изчил ривожлантириш, халқимиз турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини юксалтириш каби муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Мамлакатимизнинг барча ҳудуди каби Андижон вилояти ҳам юқори суръ-

атлар билан ривожланмоқда. Бунинг тасдиғини 2010 йилдан буён вилоятнинг ялли худудий маҳсулоти 1,7 баробар ўсгани мисолида кўриш мумкин. Вилоятда саноат маҳсулотининг 95 фоиздан ортиги автомобилсозлик, енгил саноат, кимё, нефть-кимё, озик-овқат саноати каби замонавий тармоқларда ишлаб чиқарилимоқда.

Вилоятдаги 140 қўшма корхонанинг яримдан кўпи охириги 5 йил мобайнида, илгари бундай корхоналар бўлмаган туманларда ташкил этилган. Андижоннинг экспорт ҳажми ҳозирги кунда қарий 160 миллион долларга етган ва бу 2011 йилдагига нисбатан 6 баробар кўпдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кенг қўллаб-қувватланаётгани самарасида уларнинг сони ва вилоят иқтисодиётидаги салмоғи тобора ортиб бораётди. Кейинги беш йилда вилоятда 10 миңдан зиёд янги кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, уларнинг умумий сони деярли 2,5 баробар

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев шу кунини Фарғона вилояти сайловчилари билан ҳам учрашди.

Учрашувни номзоднинг ишончли вакили, Ўзбекистон халқ шoirи Икбол Мирзаалиев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёев учрашувда нутқ сўзлади ва ўзининг сайловолди дастурида белгиланган асосий йўналишлар ҳақида батафсил тўхтади.

Номзоднинг дастурида миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини ҳар томонлама ошириш, саноатни модернизация ва диверсификация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, ерларнинг унумдорлигини ошириш ва экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, ижтимоий инфратузилмалар-

ни такомиллаштириш, бандликни таъминлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Мамлакатимизда барча ҳудудни ривожлантиришга қаратилган эътибор туфайли Фарғона вилояти ҳам изчил тараққий этмоқда. Ўтган йили вилоятда ялли худудий маҳсулот ҳажми 8 фоиз ўсди. Фарғона вилоятини 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис йўналишларида 3 миң 881 лойиҳа амалга оширилиб, 23 миңдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Барча манба ҳисобидан 584 миң доллар сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди.

Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликка кенг

қўлайган. Меҳнат билан банд аҳолининг 84 фоизи шу соҳада фаолият кўрсатиб, даромад топмоқда.

Учрашув видеоконференция тарзида ўтказилди. Андижон шаҳри ва барча туман марказларида йиғилган сайловчилар билан очик ва жонли мулоқот бўлди.

Хонобод шаҳридаги "ЎзЛиДеП" фаоли Ш. Алимов, Избоскан транспорт касб-хўнара коллежи ўқувчиси О. Тожиқднова, Андижон давлат тиббиёт институти талабаси И. Абдумаликов, Олтинқўл туманидаги «Бахт имкон чораси» фермер хўжалиги раҳбари Ф. Исмоилов, Марҳамат туманидаги «Феруз» фермер хўжалиги раҳбари Ф. Каримов, Шахрихон туманидаги «Ишқомли ҳамкор» фермер хўжалиги раҳбари А. Тўрақуллов, Асака туманидан «GM Uzbekiston» акциядорлик жамияти ҳодими Б. Усмонов ва бошқалар дастурда белгиланган вазифалар ижроси мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигига хизмат қилаётганини таъкидлади. Президент сайловига тайёргарлик қилиш, уни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар миллий қонунчилигимиз ва халқаро демократик тамойилларга тўла мос равишда ўтаётганини қайд этди. Сайловчиларни 4 декабрь кунини бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

эркинлик бериш ҳисобига жорий йилда 2 миң 260 янги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, уларнинг сони 18 миң 775 тага етди.

Видеоконференция тарзида ўтган очик мулоқотда меҳнат фаҳрийчиси О. Хошимов, Ёзувчилар уюмиси вилоят бўлими раҳбари, Ўзбекистон халқ шoirи Э. Сиддиқов, Фарғона компьютер технологиялари касб-хўнара коллежи ўқувчиси М. Гаффаржонова ва бошқалар мамлакатимизнинг ўз тараққиёти йўли — «Ўзбек модели» барча соҳада улкан самаралар бераётганини қайд этди. Сайловолди жараёнлари миллий қонунчилигимиз ва халқаро демократик тамойиллар асосида ўтаётганини таъкидлади. Сайловчиларни 4 декабрь кунини бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

ЎзА.

Наримон Умаров Сурхондарё вилояти сайловчилари билан учрашди

Шу йилнинг 1 ноябрь кунини Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров сайловолди ташвиқоти доирасида Сурхондарё вилояти сайловчилари билан учрашди.

Тадбирда вилоят фаоллари, корхона ва ташкилотлар ишчи ва ходимлари, тадбиркорлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Учрашувда Наримон Умаровнинг ишончли вакили, Сурхондарё вилояти партия кенгаши раиси Р. Ҳамроев йиғилганларни Президентликка номзоднинг таржимаи холи билан таништирди.

Наримон Умаров ўз маърузасида дастлаб истиқлол йилларида сурхон воқоасининг бой ўтмиши қайта тикланиб, шаҳар ва қишлоқлар инфратузилмаси мутлақо ўзгарганлигини эътироф этди. Сўнги беш йил давомида биргина Термиз шаҳрида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, бири-биридан мухташам биноларнинг қад рост-кўрсатиш сифатини ошириш йўлида бунёд этилган савдо ва маънавий иншоотлар воҳа тараққиётини мутлақо янги босқичга олиб чиққанлигини таъкидлади.

Шу билан бирга, номзод Тошғузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўлининг ишга тушиши билан вилоятни мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятлар билан боғлаш мақсадига қисқарганлиги баробарида, табиий бойликларни ўзлаштириш имконияти ҳам кенгайгани ҳамда темир йўли бўйлаб ишга туширилган объектлар, аҳоли тураржойлари, худудда обод максадан сонининг ортишига хизмат қилаётганига сайловчилар эътиборини қаратди.

Н. Умаров Сурхондарё вилояти сайловчиларига ўз Сайловолди дастурининг устувор йўналишлари хусусида сўзлаб берди. Дастурда, айниқса, ижтимоий соҳада белгиланган вазифалар, хусусан, таълим соҳасини ислоҳ этиш бораси-

да илгари суриладиган мақсад, вазифалар республикамиз худудларидаги мавжуд эҳтиёжлардан келиб чиққанлигини таъкидлаб ўтди.

Жумладан, номзод сўнги йилларда ёшларимиз ўртасида олий таълим олишга бўлган интилиш қучайиб бораётганини хусусида тўхталар экан, биргина Термиз давлат университетига абитурientлар сони тобора кўпайиб, белгиланган квоталарига нисбатан 18 — 20 баробар ортиқча талаб этиб-қатнашишига сайловчилар эътиборини қаратди.

Шундан келиб чиқиб, номзод ўз дастурида олий таълим муассасаларига қабул қилишдаги квоталар тизимини қайта қуриш, барча талабгорга олий таълим олиш ҳуқуқини бериш орқали иқтисодий ёшларни таллаб олиш сифатини ошириш ҳамда таълим ва тарбия соҳасида ўз-ўзидан қатор голларни қилган сурбатларини билдирди. Номзоднинг бу борадаги тақрифлари учрашув иштирокчилари томонидан катта иштиёқ ва қизқиш билан қабул қилиниб, ушбу мақсадли режалар ўз вақтида қабул қилинган ва ҳақиқатда ечимини кутаётган амалий масала эканлиги эътироф этилди.

Тадбирда Олий Махлис Қонунчилик палатаси депутати Д. Тангиров, "Маҳалла" ҳаёрия жамоат фонди вилоят бўлими раиси Ғ. Тўшбоев, Термиз ахборот технологиялари ва маънавий хизмат кўрсатиш касб-хўнара коллежи ўқувчиси Н. Хидирова, "Термиз — Бактрия" савдо комплекси бош ҳисобчиси Б. Бобомуродов ҳамда бошқалар сўзга чиқдилар ва бўлажак сайловда Наримон Умаровни қўллаб-қувватлашга чақирдилар.

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ, ХАЛҚИМИЗ УЧУН ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА, МУНОСИБ ҲАЁТ ДАРАЖАСИНИ ЯРАТИШ — БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги маърузаси



Хурматли съезд катнашчилари! Сизлар билан бугунги муҳим сиёсий тадбирда қўришиб турганимиздан гоят мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, менга юксак ишонч билдириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига номзод сифатида кўрсатганингиз учун Сиз, муҳтарам партиядошларимга, бу ташаббусни қўллаб-қувватлаган барча юрtdошларимизга ўзинингиз чексиз ҳурмати ва самимий миннатдорчилигини билдирарман.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ўзининг олдида қўйган мақсад ва дастурлари, ташаббус ва амалий ҳаракатлари билан доимо халқимизнинг дарду ташвишлари ва муаммоларини ечишга, юртимиз фаровонлигини янада оширишга муносиб ҳисса қўшиб, Ватанимизда кундан-кунга катта обрў-эътиборга эришиб бормоқда.

Бугунги кунда ўз сафларидан 250 мингдан зиёд аъзони бирлаштирган сиёсий партиямиз мамлакатимизнинг қудрати ва саложиятини, юртимиз тинчлиги ва осойишталиги, халқимиз фаровонлигини таъминлашда қудратли кучга айланмоқда.

Ишонанманки, келажакда ҳам партиямиз юртимизнинг гуллаб-яшнаши учун муносиб ҳисса қўшади дегани сиёсий партиялардан бири бўлиб қолади.

Қадрли юрtdошлар! Замонамизнинг буюк давлат арбоби, мамлакатимиз ва халқимизнинг тақдири, бахту саодати йўлида ўз ҳаётини бағишлаган улуг йўлбошимиз Ислам Абдуганиевич Каримовнинг вафоти барчамиз учун ўрнини тўлдириб бўлмайдиган оғир жудодик бўлди.

Бутун дунёда таҳликали вазият, миллатлараро тўқнашувлар, сиёсий ва иқтисодий инқирозлар ҳамда турли хавф-хатарлар авж олган даврда Ислам Каримовнинг мамлакатимизга раҳбарлик қилганлари Яратганининг халқимизга кўрсатган бебаҳо марҳамати бўлди.

Муҳтарам Юртбошимизнинг бўқилмас иродаси, фидойилиги, мардлиги ва ватанпарварлиги, узоқни кўриш ва стратегик фикрлаш қобилияти ватандошларимизни ягона мақсад сари бирлаштирди.

Натижада мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлида қўллаб қўйинчилик ва синовлардан ўтиб, тарихан қисқа даврда жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.

Муҳтарам Ислам Абдуганиевичнинг бошичлигида ўтган умр йўллари, мустақилликимизни ҳимоя қилиш ва мустақамлаш борасидаги тарихий хизматлари барчамиз учун, шу жумладан, мен учун ҳам энг ёрқин ибрат намунаси ва катта ҳаёт мактаби бўлиб қолади.

Буюк устозимизнинг сиёсий мероси, у киши белгилаб берган тараққиётимизнинг асосий тамойиллари, устувор йўналишлар, мақсад ва вазифаларни сўзиси ва тўлиқ амалга ошириш — биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Бу улкан масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда, азият Юртбошимиз Ислам Абдуганиевич Каримовнинг гоъяларини амалга ошириш, мамлакатимизда олиб борилаётган давлат сиёсатини изчил давом эттириш, олдимизда турган стратегик вазифаларни оғишмай бажаришни халқимиз олдимизга ўзининг асосий бурчим, деб биларман.

Барчамизга маълумки, жаҳондаги эркин ривожланиётган, суверен, ҳуқуқий демократик давлатлар томонидан эътироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормаларига амал қилиш, шунингдек, халқимизнинг миллий манфаатлари, менталитети ва аъёнларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этиш бўйича тизимли ва изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Биринчи Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ана шу кўп қиррали сиёсатнинг пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда бу борада 70 дан ортиқ халқаро ҳужжат, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 10 та асосий ҳужжа

ти ратификация қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Фуқаролик жамиятини барпо этиш, юрtdошларимизнинг эркинлик ва ташаббусларини, мамлакатимиз иқтисодий ҳаётидаги ишторикни кенгайтириш келгусида ҳам Ўзбекистон сиёсий тизимини ривожлантиришнинг муҳим йўналиши бўлиб қолади.

Давлат ҳокимияти органлари тизимида Олий Мажлис палаталари ролини кучайтириш, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати бўйича муҳим вазифаларни ҳал этиш, ижро ҳокимияти органлари фаолиятини назорат қилишда парламентнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Биз юртимизда кўппартиявийлик тизимини мустақамлаш, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларда партияларнинг ролини оширишга қўллашамиз.

Қачонки, сиёсий партияларнинг фаоллиги ошиб, парламент фаолияти доирасида улар ўртасида соғлом рақобат ва баҳс-мунозара муҳити шакллана, шундагина вакиллик ҳокимияти органлари ҳам самарали фаолият кўрсатади.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида партия гуруҳларининг ваколати ва ролини ошириш, аинқиса, ижро ҳокимияти органлари фаолиятини назорат қилиш борасидаги таъсирини янада кучайтириш зарур, деб ҳисоблайман.

Хурматли дўстлар! Биз бошимиздан кечираётган ҳозирги глобаллашув даври ўта шиддат билан ўзгараётгани ва турли таҳдидлар қўлини билан олдимизга ҳал этишни кенчиктириб бўлмайдиган гоъя мураккаб вазифаларни қўймоқда.

Шу сабабли Ўзбекистоннинг барқарор ривожига хавф туғдириши мумкин бўлган таҳдидлар, ўз ечимини кутаётган энг муҳим муаммолари масалаларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Биринчидан, геосиёсий манфаатлар тўқнашуви халқаро алоқаларда ўзаро ишонч ва ҳамкорлик муносабатларига пулур этишига, қарама-қаршилик ва носоғлом рақобат кучайишига сабаб бўлмоқда.

Иккинчидан, жаҳон иқтисодий инқирози, дунё бозорларидаги беқарорлик, энергия ресурслари нархларининг пасайиши деярли барча давлатларнинг иқтисодий ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Табий ресурслар учун кураш қатор давлатларда ҳарбий-сиёсий аҳолининг кескинлашувига олиб келмоқда. Айрим мамлакатларда шон ашё базаси ва сифатсиз маҳсулотлар бозорига айланган интилаётган кучлар ҳам йўқ эмас.

Учинчидан, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва баъзи минтақаларда юзага келган нотинч вазият аҳоли миграцияси кучайишига сабаб бўлмоқда. Бу эса жиноятчилик, одам савдоси, террорчилик, экстремизм, наркотикалик каби иллатларнинг ҳамда ўта хавфли юқумли касалликларнинг кўпайишига олиб келмоқда.

Тўртинчидан, ахборот-коммуникация тизимларининг кенг қўлланиши, давлат бошқарувининг электрон шаклда ташкил этилаётгани, ўз навбатида, ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ қўшимча чора-тадбирлар қўришни тақозо этмоқда.

Бешинчидан, коррупция, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик каби иллатлар давлат ҳокимиятини обрўсизлантириб, иқтисодиётнинг ўсиши ва тадбиркорлик ривожига жиддий тўсиқ бўлмоқда.

Олтинчидан, "оммавий маданият" балоси қўллаб ёшларни ўз домига тортиб, миллат ва юрт учун бутунлай беғона бўлган салбий таъсирлар кириб келишига сабаб бўлмоқда.

Хурматли партиядошлар! Давримизнинг давати сифатида пайдо бўлган "Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак" деган теран маъноли сўзларни биз ҳаммизда сақлашимиз лозим.

Бизнинг энг асосий ютуғимиз — кўп миллатли халқимизнинг вужудга келадиган қўйинчилик ва синовларни енгишга қодирлиги, уларнинг замонавий дунёқараши, сиёсий онги ва ижтимоий фаоллигининг юксалиб бораётгани, апрофимиздаги воқеаларга беларво бўлмасдан, ақинсиз, дахлдорлик туйғуси билан яшаётганидир.

Марказий Осиё минтақасида ва бутун

дунёда мураккаб вазият юзага келадиган, терроризм, экстремизм ва радикализм хавфи тобора ортиб бораётган бугунги шароитда доимо хушёр ва оғоқ бўлиш, мамлакатимизнинг муҳофаа қобилиятини, Куроллик Кучларимизнинг салоҳиятини ҳар томонлама мустақамлаш хавфсизлик ва барқарорлигини, халқимизнинг осойишта ҳаётини таъминлашнинг энг муҳим шартлари ва қафолати эканини барчамиз яхши англаймиз.

Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакилларининг тинч-тотув ҳаёт кечираётгани — истиқлол даврида эришган энг муҳим ютуқларимиздан биридир, десам, ўйламанки, барчангиз бу фикрга қўшилсан. Миллатлараро тотувлигини таъминлашда мамлакатимизда фаолият юритаётган 137 та миллий маданий марказнинг ўрни беқисс.

Айнан шу нуқтан назардан келгусида ҳам миллатлараро тотувлик ва ҳамжихатликни мустақамлаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Юртимизда ҳукм сураётган диний бағрикенглик муҳити тўғрисида мамлакатимизда 2 минг 200 дан ортиқ турли диний ташкилотлар фаолият юртимокда.

Турли дин вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат ва дўстона муносабатларни ривожлантириш, қайси дин ва эътиқодга мансублигидан қатъи назар, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлигини таъминлаш бундан буён ҳам энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиб қолади.

Биз муқаддас динимизни нотўғри талқин этмаётган ва уни никоҳ қилиб, бизни орқага, ўрта асрлар ҳаётига қайтаришга уринаётган бузғунчи кучларга қарши кескин курашиб келишимиз лозим.

Халқимизни ишонтириб айтаман: мамлакатимиз суверенитети ва мустақиллигига раҳна солишга уринадиган ички ва ташқи кучларнинг ҳар қандай ҳаракатларига қарши биз кескин зарба беришга қодирмиз. Бунга ҳеч қандай ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги керак.

Қадрли анжуман иштирокчилари! Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш — амалга оширилаётган барча ислохотлар самарадорлигига эришиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, мамлакатда тинчлик, тотувлик ва барқарор вазиятни таъминлашнинг асосий қафолатидир.

Шу сабабли суд-ҳуқуқ тизимини фаолият юритишда рағбатдорлик, ақинсиз, амалга оширилган кенг қамровли ишлар билан бир қаторда, соҳада ўз ечимини кутаётган қўллаб муаммолар мавжудлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим, деб ҳисоблайман.

Одамлар биздан нимани кутаяпти? Энг аввало, давлат идораларига қилган мурожаатлари ўз вақтида, ҳолисона ва қонуний ҳал этилишини кутмоқда. Лекин, айрим раҳбарларнинг аҳоли ариза ва шикоятларини қўриб чиқишда сансалорлик, масъулиятсизлик, ортиқча расмиятчиликка йўл қўётгани одамларни беэҳтирдир.

Биргина жорий йилнинг 9 ойида Бош прокуратурага 137 минг, Олий судга 67 минг, Адлия вазирлигига 52 мингдан зиёд келиб тушган мурожаатларнинг салкам 30 фоизи бевосита тергов-суд фаолияти ва суд қарорлари ижроси соҳасидаги масалалар билан боғлиқ.

Энг ачинарлиси шундаки, мансабдор шахсларнинг ҳаракатсизлиги оқибатида тақорнинг мурожаатлар сони ортиб бормоқда.

Қани, айтинчи, бу ахволда аҳолининг умуман суд-ҳуқуқ тизимига ишончи ва уни мустақамлаш тўғрисида гапириш мумкинми ўзи?

Ўйлаيمانки, барчангиз бу масаланинг нечоғли муҳим эканини яхши тушунасиз. Хўш, вазиятни ўнглаш учун нима қилиш керак?

Биринчи навбатда, барча даражадаги раҳбар ва масъул ходимларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатлар билан ишлашга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш керак.

Одамлар билан уларнинг тилида гаплашиш, дардини эшитиш ва муаммоларини ҳал қилишнинг самарали усулларини жорий этиш устидан жиддий бош қотиришимиз зарур.

Ўйлаيمانки, бу масаланинг жуда муҳимлигини инобатга олиб, уни давлат сиёсати-

ниг устувор вазифалари даражасига кўтариш пайти келди.

Муҳтарам Биринчи Президентимиз "Одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайдир", деб тақрор ва тақрор таъкидлар эдилар.

Аmmo, бугунги кунда судларда ишларни қўриб чиқишда юз бераётган оворагарчилик жойларда фуқароларнинг ҳақли норозиликка сабаб бўлмоқда.

Айнан шу нуқтан назардан, қабул қилинган ҳар бир қарорнинг асосли, адолатли ва қонуний бўлишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда одил судлов фаолиятига аралашганлик учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш асосий масаладир. Энг ачинарлиси, кейинги йилларда судлар томонидан бирорта ҳам оқлов ҳукми чиқарилмаган.

Бундан биз, барча тергов органлари ҳаттоиз ва жуда сифатли даражада ишлаяпти, деган ҳулосага келишимиз мумкинми? Йўқ, албатта.

Бундан ташқари, одил судловнинг мазмун-моҳиятига мутлақо тўғри келмайдиган судлар томонидан жиноят ишларини қўшимча терговга қайтариш амалиётидан воз кечиш вақти келди.

Суд ёки оқлов, ёки қоралов ҳукмини чиқариши керак.

Шунинг учун судьяларнинг ваколат муддатларини ўзайтириш орқали судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда халқимизни кутаётган адолатли қарорлар қабул қилишга ҳар томонлама қодир, мустақам иродали, юксак маънавий ва касбий фасилатларга эга бўлган суд ходимлари таркибини шакллантириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Одил судловнинг муҳим шартли бўлган томонлар тенглиги принципини тўлиқ ишлаштириш учун адвокатура соҳасини ҳам ислох қилиш алоҳида ўрин тутаяди.

Халқаро тақрибга назар ташлайдиган бўлсак, адвокат энг нуфузли, обрўли ва ишончли касб эгаси ҳисобланади. Миллий қонунчилигимизда ҳам адвокатларнинг самарали фаолият юритиши учун барча асослар яратилган бўлса-да, амалиётда бу нормалар мутлақо ишламаётганини афсус билан қайд этишимиз лозим.

Шу билан бирга, суд-ҳуқуқ соҳасида адвокатурани ўрни ва ролини янада ошириш, адвокат ваколатларини кенгайтириш бўйича бир қатор қўшимча ва самарали чора-тадбирларни амалга оширишимиз зарур бўлади.

Юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал этиш мақсадида: биринчидан, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш; иккинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш; учинчидан, одил судлов қафолатларини кучайтиришга қаратилган масалалар бўйича фармон лойиҳаси тайёрланмоқда.

Бугунги кундаги яна бир устувор вазифа — мамлакатимиз ривожига тўсиқ бўлаётган ёвуз иллат, яъни коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш масалаларини самарали ҳал этишдан иборат.

Эътибор бериш, биргина жорий йилнинг 9 ойида 61 мингдан ортиқ жиноят ва 2,5 миллиондан ортиқ ҳуқуқбузарликлар қайд этилган.

Бу рақамлар жамият тақдири учун жавобгарлигини ҳис қилган ҳар бир инсонни ўйлантирадиган қўймайди, албатта. Чунки улар кимдир фарзанд, ота-она ёки қариндош, қолверасе, шу юртингиз фуқароларидир.

Жиноят учун жазо муқаррар, албатта. Лекин, ўзимизга бир савол берайлик — фуқароларимиз жиноят йўлига кириб қолмаслиги учун шахсан ҳар биримиз нима иш қилаёلمиз?

Шу нуқтан назардан, фаолиятимиз, биринчи навбатда, айбдор шахсни жавобгарликка тортиб, унга "судланган" деган тамғани босишга эмас, ақинсиз, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва профилактикага қаратилиши зарур.

Афсуски, жойларда бу масалада маҳалла раиси, профилактика инспектори ва бошқа мутасаддилар ўз масъулиятини мутлақо ҳис этмаётти, десак, тўғри бўлади.

Шунинг учун жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳар қандай жиноятга адолатли баҳо беришга қаратилган ишларимиз кескин кучайтирилади.

Ҳар бир ҳолат ва вазият бўйича ҳоким, ички ишлар бўлими бошлиғи ва прокурорнинг аҳоли вакиллари олдида ҳисобот беришини кўзда тутадиган янги тизим жорий этилади.

Халқнинг дарди ва ташвишларини писанд қилмайдиган, эл-юртимиз осойишталиги ва жамоат тартибини сақлашга, адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга қўриб етмайдиган ҳар қандай даражадаги раҳбарларга нисбатан жиддий чоралар қўрилади. Лўнда қилиб айтадиган, бундай лоқайд ва бефарқ шахсларга раҳбарлик лавозимларида мутлақо ўрин йўқ.

Профилактик тадбирларни ташкил этишда маҳалла имкониятларидан самарали фойдаланиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларда қонунга ҳурмат ҳиссини кучайтириш ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашишда фаол қатнашаётган инсонларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Олдимизда турган улкан мақсад ва вазифаларни тўлақонли амалга ошириш учун давлат бошқарув тизимини ва унинг аппарати самарали фаолият юритиши зарур, албатта.

Бирок, ҳолисона айтганда, бугун аксарият давлат идораларининг иш услуби давр талабига тўлиқ жавоб берайди. Айрим вазирлик ва идоралар аҳоли муаммоларини ҳал этишда расмиятчиликка йўл қўймоқда, улар қўпична куруқ рақам ва маълумотлар тўплаш билан овера.

Вазирлик ва идораларда улар масъул бўлган соҳалардаги аҳолини чуқур таҳлил қилиб, камчиликларни тизимли равишда

аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган фаолият етарли даражада йўлга қўйилмаган.

Шу билан бирга, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш, қонунлар ижросини таъминлаш, жойлардаги давлат бошқаруви органлари фаолиятини мувофиқлаштириш борасида маҳаллий ҳокимликларнинг вазифа ва ваколатларини ҳам тақомиллаштиришнинг даврининг ўзи тақозо этмоқда.

Шу ўринда ҳокимлик идораларининг моддий-техника базасини тубдан мустақамлаш, уларнинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини мутлақо қайта қўриб чиқиш зарурлигини қайд этмоқчиман.

Ушбу камчиликларни бартараф этиш ва бутун бошқарув тизимида аниқ тартиб ва қатъий интизомни таъминлаш мақсадида фақат жорий йилда Бош вазирнинг 2 та ўринбосари, 22 та вазир ва идоралар раҳбарлари, Тошкент вилояти, Жиззах, Қарши ва Термиз шаҳарлари ҳамда 21 та туман ҳокимлари лавозимларидан озод этилди. Ишни жамоа бўлиб бажарсак ҳам, унинг натижаси учун ҳар биримиз шахсан жавоб беришимиз шарт.

Муаммоларнинг асосий сабаби — кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиб жараёнлари билан бевосита боғлиқ. Янгилик ва мустақил фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, илғор бошқарув усулларини пухта ўзлаштирган, ватанпарвар, ҳалол кадрларни танлаш ва тайёрлаш бўйича самарали тизим яратилмас экан, давлат бошқарувида сифатли ўзгариши юз берайди.

Давлат идоралари фаолиятини ташкил этишда барчамиз муҳим бир ҳақиқатни чуқур англаб олишимизни истардим.

Соғда қилиб айтганда, халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қиладиган вақт келди.

Афсуски, ҳаётда бунинг ақини кўрсатадиган баъзи бир рақамларга сизнинг эътиборингизни қаратмоқчиман. Шу йилнинг ўзида Вазирлар Маҳкамасига, вазирлик ва идораларга, барча даражадаги ҳокимликларга тушган мурожаатларнинг умумий сони 338 мингтани ташкил этди. Улардан 200 мингдан ортиқ ёки 60 фоизи туман ва шаҳарлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу рақамлар жойларда одамларнинг дарду ташвишлари билан ҳеч бир мутасадди раҳбар астойдил шуғулланмаётганини кўрсатади.

Ишга жойлаштириш, ер участкалари ажратиш, иш ҳақи ва пенсияларни ўз вақтида тўлаш масалалари бўйича мурожаатлар сони қўпайган. Аинқиса, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларига доир мурожаатларнинг ошгани ишимиздаги камчиликлардан далолат беради. Шулар қаторида аҳолининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига нисбатан бўлган эътирозлари ҳам талайгина.

Раҳбарларнинг масъулиятсизлиги, баъзан одамларнинг эътиёжлари ва ҳақли талабларига бефарқлиги, уларнинг мурожаатларига панжа орасидан қарашлари тўғрисида Кашқадар, Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент шаҳридан келадиган шикоятларнинг оқими доимий равишда ортиб бормоқда.

Бундан ташқари, Бош вазирнинг яқинда Интернет тармоғида ташкил этилган виртуал, яъни электрон қабулхонасига ўтган 3 ҳафта ичида 50 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушди.

Бундай масъулиятсиз ва совуқчон муносабатга қатъиян чек қўйишимиз шарт. Фуқароларнинг ҳар қандай муаммоларини ҳал этиш давлатнинг халққа нисбатан асосий мажбуриятларидан бири эканини унутишга ҳеч қимнинг ҳақи йўқ.

Шунинг учун раҳбарлар мунтазам равишда халқ орасида бўлиб, шахсий қабуллар ташкил этишлари, жойлардаги муаммоларни ҳал қилишлари зарур.

Бундан кейин жойлардаги раҳбарлар фаолиятига биринчи навбатда улар бошқараётган ҳудуддаги аҳолидан тўшаётган мурожаатлар сони, уларнинг ҳал ичида юриши, мажбул муаммоларнинг амалий ечимига қараб баҳо берилади. Қисқа қилиб айтганда, раҳбарларга халқнинг ўзи баҳо беради.

Шу билан бирга, қўллаб давлат хизматларининг зиммасига катта масъулият юклаганига қарамадан, уларнинг иш қуни ва иш ҳафтаси аниқ меъёрга солинмагани ҳеч қимга сир эмас.

Жаҳон тақрибаси шуни кўрсатадики, давлат хизматчиларига юксак талаблар қўйишдан олдин уларнинг ҳуқуқларини қафолатлаш ва ҳимоя тизимини билан мустақамлаш даркор.

Масаланинг ўта долзарблигини эътиборга олиб, давлат хизмати бўйича қонун қабул қилиш вақти келди, деб ҳисоблаймиз.

ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ, ХАЛҚИМИЗ УЧУН ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА, МУНОСИБ ҲАЁТ ДАРАЖАСИНИ ЯРАТИШ – БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги маърузаси

◄ (Давоми. Бошланиси 2-бетда).

Дастур 390 минг кишини доимий иш жойи билан, 200 минг кишини — қишлоқ ҳўжалиги ҳамда қурилишда мавсумий ва вақтинчалик иш билан, 309 минг кишини — шахсий ёрдамчи ва деҳқон ҳўжаликлари, хўнарамдчилик ва оилавий тadbиркорлик орқали иш билан таъминлашни назарда тутди.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда ҳар доимгидек Либерал-демократик партия аъзоларининг фалол кўлаб-қувватлаши ва ёрдамчига умид қиламиз.

Тўртинчидан, қишлоқ ҳўжалигини янада ислоҳ қилиш бўйича устувор вазифа — аввало, **ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш**дир.

Бу борада замонавий интенсив агротехнологияларни кенг жорий этиши, маҳсулотларни сақлаш инфратузилмасини такомиллаштириш ҳамда чуқур қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратилади.

Хосилдорлиги паст ерларда пахта экишни қисқартириш сабзавот, дўккаки ва озуқабоп экин майдонларини кенгайтириш, илгор ҳоржий тажрибаларни қўллаган ҳолда, юқори технологияга асосланган интенсив боғ ва узумзорлар барпо этиш билан биргаликда оқибат борилади.

Масалан, кейинги йилларда Сурхондарё вилоятинда пахта хосилдорлиги пастлигига қолмоқда. Фермер ҳўжалиklarининг иқтисодий аҳоли йилдан-йилга ёмонлашмоқда. Томорқалардан фойдаланиш ҳам талаб даражасида эмас. Ваҳолонки, Сурхондарё вилоятининг тупроқ-иқлим шароитида февраль ойидан бошлаб бемалол 3 марта ҳосил олиши имкони бор.

Шунинг учун 2017 йилда тупроқ унумдорлиги паст ерлар ҳисобидан ушбу ҳудуднинг қариб 18 минг гектар пахта ва 1000 гектар ғалла майдонлари қисқартирилади. Ушбу майдонларда сабзавот ва мева етиштирилади, интенсив боғ ва тоқорлар барпо этилади, иссиқхоналар ташкил қилинади. Натиждада маҳсулотларни чуқур қайта ишлаш ҳажми кескин кўпайиб, қўшимча қийматли экспортбоп маҳсулотлар тайёрланади. Бу аҳолининг манфаатдорлиги ошиши ва даромади янада кўпайишига олиб келади. Ана шу масала бошқа вилоятларда ҳам боққичма-боққич қайта кўриб чиқилади ва бундай тadbирлар 2017 ҳам давом эттирилади.

Ҳқин кунларда 2017 — 2020 йилларга мўлжалланган кўп тармоқли фермер ҳўжалиklarини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш явунига етказилади.

Дастурга мувофиқ, экин майдонларини оптимallasштириш, пахта майдонларини боққичма-боққич қисқартириш таъминланади.

Асосий эътибор экспортга йўналтирилган мева-сабзавот ва озиқ-овқат ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга, шунингдек, кичик ишлаб чиқариш шохобчаларини ташкил этиш ва сервис хизматлари кўрсатишга қаратилади.

Келгуси 5 йилда биз мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажминини 1,8 баробар ошириб, бугунги 17 фойздан 30 фоизга кўпайтиришни вазифа қилиб қўймоқдамиз.

Қўшимча тарзда 200 минг тонна маҳсулот сақлаш қувватига эга бўлган совитчинли омборхоналар қурилади. Бу, ўз навбатида, янги иш ўринлари очиш, аҳоли даромадини кўпайтириш ва маҳаллий бюджетга қўшимча маблағ тушириш имкони беради. Асосий вазифаларимиздан яна бири — **қишлоқ ҳўжалигини молияallasштиришнинг мавжуд тизимини такомилallasтиришдан** иборат.

Бу ишларни амалга оширмасдан туриб, биз кафолатланган барқарор хосилдорликни, бутун агросаноат комплексини ривожлантиришни ва энг муҳимин, фермерларнинг моддий манфаатдорлигини оширишни ва қишлоқ жойларда турмуш даражасини яхшилашни таъминлай олмаймиз. Бу тadbирларнинг амалга оширилиши устувор вазифаларимиздан бири бўлиб қолади.

Бешинчидан, олдимизда турган яна бир вазифа — **хусусий мулк ва тadbиркорликни ривожлантиришга халақат бераётган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф эттишдан иборат**.

Бу борада кичик бизнес, хусусий тadbиркорлик субъектлари ва фермер ҳўжалиklarининг экспортдаги иштирокчини янада рағбатлантириш бўйича қўшимча комплекс чора-tadbирлар амалга оширилади.

Партияимизнинг асосий электорати бўлган тadbиркорлар фаолиятини жадвал ривожлантириш жамиятимиз тараққиёти ва фаровон ҳаётимизнинг мустақкам таянчи, иқтисодиётимиз барқарор ўсишининг энг муҳим кафолатидир.

Маълумки, бугунги кунда тadbиркорлик соҳасининг ялғи ички маҳсулотдаги улуши 56,5 фоизга етди. Аҳолининг 78 фоизи айнан шу тармоқда меҳнат қилиб, мамлакатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Бироқ, тadbиркорликни жадвал ривожлантиришга қаратилган қатор чоралар қурилишга қарамасдан, доимий текширишлар, молиявий-ҳўжалик фаолиятига ноқонуний аралашувлар оқибатда тadbиркорлар ўз ишини вақтинча тўхтатишга, айрим ҳўларда эса умуман тугатишга мажбур бўлмоқда.

Хиноят ишларини тергов қилиш доирасида ўтказилаётган текширишларнинг узок мuddат давом этиши тadbиркорларнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, лицензия ва рұхсатномалар бериш жараёни оилаб қўзғилиши тўғрйли фуқаролар тadbиркорлик билан ноқонуний тарзда шуғулланишига ўзимиз замин яратмоқдамиз. Мансабдор шахсларнинг тамагирлик ҳўлатларига тўлиқ чек қўйилмаган.

Текширув тартибларини бузиш ҳўлатлари, асосан, соҳиқ, ёнгинага қарши кураш, санитария назорати, кадастр, табиятни муҳофаза қилиш ва бошқа назорат қилувчи органлар ҳиссасига тўри келмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даврида ҳўжалик судларига хусусий тadbиркорлик, кичик бизнес субъектлари ва фермер ҳўжалиklarининг ҳўқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга оид 23 мингта иш кўрилиб, тadb

биркорлар фойдасига 640 миллиард сўм ундириш ҳақида қарорлар қабул қилинган, 133 нафар айбдор мансабдор шахсга нисбатан тегишли суд таъсир чоралари кўрилган.

Режадан ташқари ва мўқобил текширишлар назорат органларига тadbиркорлик субъектларини исталган вақтда текшириш имкони беради. Улар орасида энг кенг тарқалган қисқа мuddатли текширишга эса текширувчи идоранинг ўзи рұхсат бермоқда. Текширишлар тироқ остидан кир қидириш, камчилик топишга йўналтирилган бўлиб, охир-оқибатда тadbиркорларни “синдирмоқда”.

Шу сабабли текшириш турлари, уларни ўтказиш тартиби ва асосларини танқидий кўриб чиқиш, назорат органларининг вазолатларини қатъий ҳесобга тadbиркорлар жаллатарлигини либерallasштириш бўйича аниқ чоралар кўриш вақти келди, деб ўйлайман.

Бу муаммоларни эътиборга олиб, яқинда қабул қилинган **Фармонга мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликка кенг эркинлик бериш, улар фаолиятига ноқонуний аралашувини тўддан қисқартириш, ҳўқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва профилактика самарадорлигини ошириш сиёсатимизнинг устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгиланди**.

Шунингдек, тadbиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари ва мўқобил текширишларнинг барча турлари бекор қилинди.

Биринчи марта ҳўқуқбузарлик содир этиб, етказилган зарарни қоплаган тadbиркорлар маъмурий ва жиноий жаъобгарликдан, жарималар ва молиявий санъолатлардан озод қилинади.

Тadbиркорлик субъектларига нисбатан тadbиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳўқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазони қўллаш бекор қилинди.

Хорижий инвестициялар иштирокида янгидан ташкил этиладиган ишлаб чиқариш корхоналарига давлат рўйхатидан ўтган вақтида амалда бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини беш йил мобайнида қўллаш ҳўқуқи берилди.

Тadbиркорлик фаолиятига аралашиш, фаолиятни асоссиз тўхтатиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жаъобгарлиги, шунингдек, уларга етказилган зарарни бевосита айбдорлардан ундириш тартиби белгиланди.

Маъкур Фармон билан Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида, Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида, Давлат харидлари тўғрисида ва Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги каби муҳим қонунларни қабул қилиш назарда тутилди.

Олтинчидан, мамлакатимиз иқтисодий кудратининг ўсиши, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга, айниқса, қишлоқ жойларда бунга эришиш — аввало, **мамлакатимиз ҳудудларининг комплекс ва изчил ривожланиши** билан белгиланишини яқши тушунамиз. Бу бизнинг ҳам яқин, ҳам узок мuddатли истиқболдаги вазифамиздир.

Бугунги кунда 14 та ҳудуддан 5 таси ёки уларнинг 36 фоизи, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, Жизизах, Наманган, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятлари республика бюджетидан субвенция олувчи ҳудудлар қаторига киради.

Бундан ташқари, Жизизах ва Янгиер шаҳарлари ҳамда 167 та тумандан 121 тасида ёки 72 фоизида маҳаллий бюджет даромадлари субвенция ёрдамида шакллантирилмоқда.

Шу муносабат билан Биринчи Президентимиз томонидан тасдиқланган, бир қатор вилоятлар, Тошкент, Қарши, Шахрисабз, Термиз, Наманган, Урганч ва Гулистон шаҳарлари, шунингдек, Бугунгур ва Нишон туманларининг санаоат салоҳияти ва инфратузилмасини ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурлар ихросини таъминлашимиз зарур; шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бўхоро, Жизизах, Навоий, Самарқанд, Сирдарё ва Фарғона вилоятларини иқтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари 2017 йилнинг биринчи ярим йилида ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Мамлакатимиз ҳудуд ва минтақаларини замон талаблари асосида тараққий топтириш учун биз аниқ режа ва ҳисоб-китобларга эга бўлишимиз зарур. Шу мақсадда ҳўкуматимизнинг ташаббуси билан жорий йилнинг сентябрь — октябрь ойларида мамлакатимиздаги 182 та шаҳар ва тумандаги мавжуд иқтимоий-иқтисодий ҳолат атрофида ўрганиб чиқилди.

Чўқур таҳлиллар асосида ҳар бир ҳудуднинг ўзига ҳок хусусият ва имкониятлари, талаб ва эҳтиёлларини инобатга олган ҳолда, 2017 — 2021 йилларда туман ва шаҳарларни комплекс ривожлантириш бўйича муҳим дастурлар ҳар бир маҳалла кесимида ишлаб чиқилди.

Субвенция оладиган 81 та туман молиявий ҳижатдан ўзини ўзи тўла таъминлайдиган ҳудудга айланади, шунингдек, 41 та туман ва шаҳар бўйича субвенция даражаси кескин камаюди.

Бизнинг келгуси режаларимизда **азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрини** нафақат минтақамиз, балки дунёдаги энг гўзал ва обод **мегаполисдан бирига айлан**тириш энг муҳим ва устувор масала бўлиб қолади.

Шу мақсадда миллий мейморлик ва шарҳосўзликнинг энг илгор оғуқ ва ечимларида ижодий фойдаланган ҳолда, кенг миқёсдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишларини изчил давом эттириш эътиборимиз марказида бўлади.

Тошкент шаҳри учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган йирик дастур — Сирғали туманида яқин келгусида 500 та кўп қаватли замонавий уй-жой барпо этиш лойиҳасини ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда.

Бу эса қариб 30 минг оилани янги уй-жой билан таъминлаш имкони яратди. Шуниси эътиборликки, бу уйлар имтиёзли

ипотека кредитлари асосида берилади ва эски, ҳеч бир шароити йўқ, пастқам уйларда яшаётган аҳолини боққичма-боққич замонавий уйлар билан таъминлаш имконини беради.

Шаҳарнинг барча туманларида янги маданият ва истироҳат боғлари барпо этилиш, яшил майдон ва худудларини янада кўпайтириш, коммунал ва савдо хизматлари сифатини яхшилаш, янги транспорт-коммуникация тармоқлари ва хизмат турлари, маданий-машиий объектлар бунёд этиш, ер устидан ўтадиган теъзорар метр-ро йўналишларини қуриш, бир сўз билан айтганда, одамларни ҳаётдан рози қилиш масаласига устувор аҳамият берилади.

Бугунги кунда ўз ечимини қутиб турган социал-ижтимоий масалаларни ҳал қилиш учун биз республика миқёсидаги **15 та мақсадли дастури**ни пухта ишлаб чиқишимиз ва амалга оширишимиз зарур.

Аввало, қишлоқ аҳолисининг эҳтиёж ва талабларини эътиборга олиб, **Қишлоқ жойларда арзон уй-жойлар қуриш дастурини** қабул қилиш кўзда тутилмоқда. Ушбу дастурга кўра, биргина келгуси йилнинг ўзида тўрт хил янги намунадаги, қўлай ва арзон, бир ва икки қаватли 15 мингта замонавий уй-жой барпо этиш мўлжалланмоқда. Бошланғич тўлов ҳажми икки баробар камайитирилиши ҳамда арзон лойиҳалар асосида барпо этилиши натижасида эҳтиёжманд оилалар алоҳида уй-жой ва хонадонларга эга бўлади.

Бундан ташқари, **2017 — 2020 йилларда шаҳар жойларда 945 та кўп қаватли уйлар қуриш дастури** лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Дастурга кўра, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида ҳамда йирик шаҳарларда 50 мингта яқин уй-жойга муқтож оилалар учун 5, 7 ва 9 қаватли арзон уйлар қурилади.

Келажакда тасдиқланандиган **Қишлоқ аҳоли пунктларида ичимлик суви тармоқларини кенгайтириш ва модернизация қилиш дастури** биз учун гоят долзарб бўлган муаммоларни ҳал этишга қаратилади. Бу муаммолар, асосан, қўйидагилардан иборат: **биринчидан**, бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисини марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 67 фоизни ташкил этмоқда; **иккинчидан**, Қорақалпоғистон Республикаси, Бўхоро, Жизизах, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида марказлашган ичимлик суви таъминотида муаммолар мавжуд.

Бу йўналишда ўтган даврда мамлакатимизда катта ишлар қилинганини албатта эътироф этиш зарур. Айни вақтда аҳолимиз қони ўсиб, охириги 25 йилда 10 миллионга кўнайди ва бугунги кунда 31 миллион 800 мингини ташкил этмоқда.

Шунинг учун нафақат янги оилалар ва маҳаллалар, балки ўнлаб янги-янги қишлоқ ва шаҳарчалар пайдо бўлаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, мавжуд вазият бу борада кечиктирмасдан, самарали чоралар кўришни талаб этмоқда.

Бугунги кунда аксарият жойларда одамларни қийнаб келаётган ана шу муаммони ечиш мақсадида келгуси беш йил давомида қариб 9 минг километр ичимлик суви тармоқлари, 1 минг 400 та кудўк ва 3 минг 600 та сув иншооти қурилади ва реконструкция қилинади.

Бу эса Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жизизах, Навоий, Сирдарё, Самарқанд, Тошкент, Хоразм вилоятларида 3,2 миллион аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва мамлакатимизда ушбу кўрсаткичи 67 фойздан 84 фоизга етказиш имкони беради.

Шу мақсадда Молия вазирлиги ҳузурида “Тоза сув” махсус жамгармиса ташкил этилади.

Ушбу устувор вазифаларни амалга ошириш учун ҳозирги вақтда **Уй-жой коммунал ҳўжалиги вазирлигини ташкил этиш** билан боғлиқ чора-tadbирлар кўриб чиқилмоқда.

Бугунги кунда аҳоли ва корхоналар томонидан электр қуввати етказиб бериш масаласида кўпга эътирозлар мавжуд эканини очик тан олиш керак. Бунинг сабаби шундаки, мамлакатимиз бўйича 67 фоиз паст қучланишли электр тармоқлари эскирган бўлиб, трансформатор пунктлари зўриқиб ишламоқда. Кўз/қуш мавсумида ишлари алмаштириш бўйича бажарилаётган уларн эса масалани тўддан ҳал этаётгани йўқ.

Шунинг учун кафолатланган ва барқарор электр қуввати етказиб бериш мақсадида **Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг электр энергияси таъминотини яхшилаш дастури** ишлаб чиқилмоқда.

Беш йил давомида электр энергияси ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш, 25 минг 300 километр паст қучланишли электр тармоқларини янгидан қуриш ва реконструкция қилиш, 5 минг 600 та эскирган трансформатор подстанцияларини алмаштириш назарда тутилган.

Навбатдаги долзарб масала **йўл-транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш** билан боғлиқ. Бугунги кунда аксарият қисми ачинарли аҳолга келиб қолган минтақавий ва маҳаллий аҳамиятга эга йўлларга ҳам эътибор қаратадиган вақт келди.

Баъзи бир рақамларга мурожаат қилсак, 75 минг километр ёки 64 фоиз ички йўлларимиз таъмирталаб аҳволда. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг бир қисми ҳен қандай қопламасиз, яъни тупроқ йўллардир. Шунингдек, 9 минг 500 километр йўлларни реконструкция қилиш талаб этилмоқда.

Янги дастурда умумий фойдаланишдаги 1 минг 700 километрлик автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш мўлжалланмоқда.

Шунингдек, аҳолимиз учун ўта муҳим бўлган 10 минг 400 километрлик ҳўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини, шаҳарлар, туман марказлари, кичик шаҳарчалар ва қишлоқ жойлардаги маҳалла кўчаларини капитал ва жорий таъмирлаш режалаштирилмоқда.

Ушбу дастурни амалга ошириш учун Молия вазирлиги ҳузуридаги Йўл жамгармисини ва “Ўзавтойўл” компаниясининг ташкилий тузилмасини мутлақо тўддан қайта кўриб чиқамиз.

Маъкур дастурнинг мантиқий давоми сифатида **Қишлоқлар ва шаҳарларда транспорт хизматини янада яхшилаш дастури** ҳам ишлаб чиқилади. Бу дастурга асосан, 74 та автовокзал ва автостанция реконструкция қилинади ва йўловчиларга қўлай шарт-шароитлар яратилиб, уларнинг ҳафсизлигини таъминлаш чоралари кўрилади. Янги 3 мингта автобус, 5 минг 700 та микроавтобус сотиб олиниб, 300 дан орტიқ янги автобус йўналишлари очилади ва мавжуд йўналишлардаги эскирган автобуслар янгиланади.

Шу билан бирга, **ҳаво ва темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш** мақсадида, аввало, Тошкент халқаро аэропортининг янги терминалини барпо этишимиз зарур.

Шулар қаторида Бўхоро — Мискин темир йўл тармоғи қурилишини яқинига етказиш ва электрлаштириш, Қарши — Термиз, Поп — Наманган — Андижон — Қўқон темир йўлларини электрлаштириш ишлари ҳам кўзда тутилмоқда.

Каттик маиший чикиндиларни санитария йўли билан тозалаш ва утилизация қилишни янада яхшилаш дастури шаҳарларимиз ва қишлоқ аҳоли пунктларининг тозалиги ва гўзаллигини ошириш, атроф-муҳитни заҳарлайдиган ва аҳоли саломатлиги учун ҳавф туғдирадиган, ноқонуний пайдо бўлган 1,5 мингта чикиндихонани йўқ қилиш имкони беради.

Айни вақтда маиший чикиндилар учун, жумладан, барча вилоятлар марказларида ҳамда йирик шаҳарларда 168 та полигон барпо этилади. Чикиндиларни тозалаш билан шуғулланадиган ташкилотлар қўшимча равишда 405 та замонавий махсус техника билан таъминланади.

Яна бир муҳим масала — **кўмирнинг таннархи ва аҳолига сотиш нархини камайтириш**, айниқса, қил пайтида учини баҳоси ошишига ва чайқовчиликка йўл қўймаслик бўйича қўшимча чора-tadbирлар қўрилимоқда.

Кўмир ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳажми, афсуски, мавжуд талабни тўлиқ қондирш имкони бериаяпти.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз бўйича кўмир маҳсулоти етказиб бериш режаси 35 фоизга, аҳолини таъминлаш бўйича эса 17 фоизга бажарилган, ҳолос.

Шу сабабли аҳолига кўмир етказиб бериш тизимини такомиллаштириш, унинг нархи сунъий равишда ошиб кетишининг олдини олишга қаратилган чора-tadbирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилади.

Бизнинг биринчи даражали вазифаларимиз қаторида **ижтимоий соҳани янада ривожлантириш** муҳим аҳамият касб этди.

Ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналиши бўлган **мактабга таълим-тарбия тизимининг** моддий-техника базасини мустақкамлаш эътиборимиз марказида бўлади. Жумладан, давлатга қарашли 1 миллион 109 минг ўринли 2 минг 200 та болалар боғчасини қуриш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш масалалари ҳал этилади.

Соғлиқни сақлаш соҳасини янада ислоҳ қилиш, аҳолига тиббий хизмат қириш сифатини тўддан ошириш мақсадида яқин кунларда қишлоқ врачлик пунктлари, тез тиббий ёрдам станциялари, иختисослаштирилган тиббиёт марказлари фаолиятини янада яхшилаш бўйича, шунингдек, хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантириш бўйича Ҳўкуматнинг 4 та қарори лойиҳаси тайёрланмоқда.

Муҳтарам аёлларимизга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилганини барчамиз яқши биламиз.

Жамиятимизда тинчлик, меҳр-оқибат муҳитини мустақкамлаш, ёш авлоднинг соғлом ва баркамол этиб вояга етказишда беқиёс ўрин тутадиган хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги нуфузини янада оширишимиз зарур. Улар учун муносиб шарт-шароитлар, янги иш ўринлари яратиш, оила-сингилларимизнинг оғирини енгилик қилиш, саломатлигини мустақкамлаш, истеъдод ва қобилиятини рўбёга чиқариш бундан кейин ҳам муҳим вазифа ҳисобланади.

Маълумки, хонадонларимизнинг файзу фариштаси бўлган **нуроний отахон ва онахонларимизни эъзозлаш**, уларни ҳаётдан рози қилиш, қўлимиздан келганича умрларини узайтириш асрлар давомида энг улғу қадриятларимиздан бири бўлиб келмоқда. Чўнки мўътабар кексаларнинг насихатлари, дуолари билан ҳаётимиз файзли, юртимиз тинч ва обод, хонадонларимизда кут-баракат барқарор, десак, ҳеч қандай мунолага бўлмайди. Доно халқимизнинг **“Қариси бор унинг париси бор”** деган ҳикматли сўзлариде чуқур маъно бор.

Ҳаққатан ҳам, бизнинг мана шундай ёруқ кунларга етиб келишимиз учун ўзини аямасдан меҳнат қилган бундай табаррук инсонларга хизмат қилиш, дуосини олиш, улар учун муносиб турмуш шароитларини яратиб бериш бўйича қўшимча чора-tadbирлар қуришни биз ўзимизнинг эзгу ва савобли вазифамиз деб биламиз.

Шу борада **Ёши улғу инсонлар, ёлғиз кексалар ва имконияти чекланган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш дастури** тайёрланмоқда.

“Нуроний” жамгармисининг мақоми ва маъкеини кўтариш, унинг туман, вилоят ва республика тузилмаларининг шарт билрикларини кўпайтириш, моддий-техника базасини мустақкамлашга алоҳида аҳамият берилади.

Муҳтасар айтганда, бу жамгарма келгусида кекса авлод вакилларига том

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

АҲОЛИНИ ДОРИ-ДАРМОН ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЁТ БУЮМЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

шифокорларнинг дори-дармон воситаларини тавсия этиш ва дорихоналарда дори-дармон воситаларини бериш тартиби тўғрисидаги низоом лойиҳасини икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин ва унда белгиланган тартиб бузилишига йўл қўйган шахсларга нисбатан қатъий жавобгарлик чораларини назарда тутиш;

ўз расмий веб-сайти, шунингдек, дорихоналар расмий веб-сайтларида рўйхатга киритилган барча дори-дармон воситалари бўйича белгиланган нархлар тўғрисида мунтазам янгиланадиган ахборот эълон қилинишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўми-

таси ва унинг ҳудудий бўлимлари зиммасига дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланувчи ташкилотлар уларнинг нарх-ни дораҳоллардан белгиланган тартибга риоя этишини тизимли асосда назорат қилиш вазифаси юклансин.

8. "Ўзфармасаноат" акциядорлик компанияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 16 сентябрдаги "2016 — 2020 йилларда республика фармацевтика саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги ПҚ-2595-сонли қарорига мувофиқ рўйхатда кўзда тутилган импорт ўринини босадиган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш билан республика эҳтиёжини максимал даражада қоплаш бўйича муҳим чораларни кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий

банк, Иқтисодиёт вазирлиги йиллик, чораклик моддий ва қиймат балансини шакллантиришда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва "Ўзфармасаноат" акциядорлик компанияси томонидан асосланган тайёр дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини, шунингдек, уларни мамлакатимиз қорхоналарида ишлаб чиқариш учун хом ашёни четдан олиб келишига бўлган эҳтиёжни ҳисобга олсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 январдаги "Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари сотишни тартибга солиш тўғрисида"ги 19- ва 2000 йил 5 августдаги "Ички бозорни дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 307-сонли қарорлари 2017 йилнинг 1 январидан ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қўнуччиликка маъқул қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида қарорлар киритсин.

11. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Азимов ва Бош вазир ўринбосари А. Икромов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2016 йил 31 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «АҲОЛИНИ ДОРИ-ДАРМОН ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЁТ БУЮМЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори имзоланди.

Мамлакатимиз раҳбарияти фармацевтика саноатини ривожлантириш, аҳоли ва даволаш муассасаларини сифатли, самараси юқори ва хавфсиз дори-дармон воситалари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистонда ташкил этилган фармацевтика саноати муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда ва жадал ривожланмоқда. Хусусан, мамлакатимиздаги 132 фармацевтика қорхонаси томонидан 2 минг турдан ортиқ дори-дармон воситалари ишлаб чиқарилаётган.

Дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларидан фойдаланиш бўйича халқаро нормалар ва ривожланган давлатлар қўнуччилигига мослаштирилган қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда.

Халқаро сифат стандартларининг жорий этилиши самарасида мамлакатимиз фармацевтика қорхоналарининг экспорт салоҳияти ошди. Шунга таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган айрим дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари дунёнинг 20 дан ортиқ давлатлари, жумладан, МДҲ, Европа Иттифоқи мамлакатлари ва АҚШга экспорт қилинмоқда.

2016 — 2020 йилларда республика фармацевтика саноатини янада ривожлантириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, янги фармацевтика қорхоналарини ташкил этиш ва фаолият кўрсатаётган қорхоналарни модернизация қилишга доир умумий қиймати 223,9 миллион АҚШ долларига тенг 67 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутил-

моқда. Бу аҳоли ва тиббиёт муассасаларида эҳтиёж юқори бўлган импорт ўринини босадиган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқаришни 2,5 баробар ошириш имконини беради.

Ўзбекистонда дорихона муассасалари тармоғи кенг ривожланган. Айни пайтда мамлакатимиз ҳудудига 8472 хусусий дорихона ва уларнинг филиаллари, шунингдек, «Дори-дармон» акциядорлик компанияси тизимига кирувчи 1437 дорихона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 70 ва 114 таси олис қишлоқлар аҳолисини дори-дармонлар билан таъминлаш учун мўлжалланган ижтимоий ва сайёр дорихоналардир.

Шу билан бирга, соҳанинг бугунги ҳолати таҳлил қилиниши натижасида зудлик билан ҳал этишни талаб қиладиган айрим муаммолар мавжудлиги аниқланди.

Авваламбор, ички бозорни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан тўлиқ таъминлаш учун республика фармацевтика саноатини янада самарали ривожлантириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирларни изчил амалга ошириш зарур.

Маҳаллий хом ашё, жумладан, доривор ўтлар асосида дори-дармон воситалари ишлаб чиқаришни қўлайлаштириш ҳисобидан фармацевтика маҳсулотларини маҳаллийлаштиришни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, шунингдек, уларни тиббиёт амалиётига жорий қилиш долзарб масала ҳисобланади.

Фармацевтика қорхоналарининг дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш учун хорижий хом ашё ҳамда материалларга боғлиқлик даражаси юқорилигига қўлаётгани бу борадаги жиддий муаммодир. Мамлакатимиз қорхоналарида айрим фармокоптерепик гуруҳлардаги дори-дармон воситалари, яъни онкологик, эндокринологик, махсус препаратлар ва психотроп воситалар ишлаб чиқарилмайд.

Дорихона муассасалари тармоғини янада оптималлаштириш масаласини ҳал этиш зарур. Дори-дармон воситалари нархларининг асосий оширилаётгани, шунингдек, бир хил дори воситаларининг нархларида катта фарқ борлиги кузатилаётган. Бу дорихоналарда дори-дармон воситаларига нарх белгилаш тизимини такомиллаштириш ва улар фаолияти устидан назоратни кучайтиришга доир шохлиқ чоралар кўриш заруратини юзага келтирмоқда.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига 2017 йилнинг 1 январидан четдан олиб келинадиган, шунингдек, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларидан сотиб олинган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларини улгуржи ва чакана сотиш, уларни етказиб беришда иштирок этувчи воситачилар сонидан қатъи назар, улгуржи савдо учун сотиб олинган қийматида 15 фоиздан, чакана савдо учун улгуржи нархидан 20 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорларда белгиланадиган чекланган савдо устамалари қўлланилиши белгиланмоқда.

Шу билан бирга, тиббиётда кенг қўлланиладиган 167 номдаги ижтимоий аҳамиятга эга дори-дармон воситалари ва 22 турдаги тиббиёт буюмлари учун муайян нархлар белгиланмоқда. Бу нархлар даволаш муассасалари ва аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни тизимли асосда назорат қилиш бўйича ташкил этиладиган Республика комиссияси томонидан дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари учун жаҳон нархлари конъюнктурасини таҳлил қилиш асосида ўрнатилган тартибда ҳар чоракда белгиланади.

Маъмур комиссия зиммасига, шунингдек, мамлакатимиз фармацевтика бозорининг,

жумладан, республикамизда ишлаб чиқарилаётган асосий дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминланганлик даражасини тизимли равишда таҳлил этиш ва ўтказилган таҳлил асосида дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари турларини диверсификация қилиш, мамлакатимиз бозорини етарли даражада тўлдирishга доир тақлифлар ишлаб чиқиш, аҳолини дори-дармонлар билан таъминлашга масъул давлат органлари фаолиятини такомиллаштириш;

нархларини белгилаш бўйича алоҳида тартиб ўрнатиладиган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари рўйхатига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, ташхис қўйиш ва даволаш стандартларига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилган тақдирда қарорлар қабул қилиш;

рўйхатга киритилган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари нархларига риоя этилишини назорат қилиш тадбирларининг амалга оширилишини мониторинг қилиш ва бошқа муҳим вазифалар юқлатилиш.

Юқорида кўрсатилган дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган квоталар бўйича мамлакатимизда тегишли фаолият билан шуғулланиш лицензиясига эга улгуржи ва улгуржи-чакана компаниялар ўртасида тендер ўтказиш асосида четдан харид қилинади. Бундай тендерларни ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги зиммасига юкланган.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланадиган ташкилотлар томонидан нархларни давлат томонидан белгиланган

тартибга риоя этилишини бевосита назорат қилади.

Маъмур қарорда дори-дармон воситаларини тўғри тавсия этиш, ташхис қўйиш, даволаш ҳамда клиник протоколлар стандартларини барча тиббиёт муассасаларига, жумладан, фойдаланиш учун очик бўлган ахборот тизимлари орқали етказиш, уларга риоя этилишини қатъий назорат қилиш мақсадида халқаро амалиётга мувофиқ асосий касалликларга ташхис қўйиш, уларни даволаш ва клиник протоколлар стандартларини такомиллаштиришга доир вазифалар белгиланган.

Қарорда энг муҳим дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларининг барча дорихоналар учун мажбурий янгилашган минимал рўйхати, шифокор рецетписиз бериладиган дори-дармон воситалари рўйхатини тасдиқлаш;

юридик шахслар томонидан дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмларига нарх белгилаш тартиби қўпол бузилганлиги учун лицензияни бекор қилиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қабул қилинган ушбу қарорининг ҳаётга татбиқ этилиши ички бозорни арзон ва сифатли дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан янада тўлиқ таъминлаш, нарх белгилаш бўйича очик-ошқора механизмни жорий этиш, мамлакатимизда арзон ва сифатли препаратлар бўлишига қарамадан, ташхис қўйиш ва даволаш стандартларида кўзда тутилмаган ҳамда асосан қиммат импорт дори воситаларини тавсия этиш бўйича номақўл амалиётнинг олдини олиш ва келгусида бундай ҳолларга йўл қўймаслик имконини беради.

Маъмур барча чора-тадбирлар, биринчи навбатда, аҳолини сифатли ва арзон дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашга, аҳолининг саломатлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ҳиндистон делегацияси учрашувлари

2016 йил 1 ноябрь кунини Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар давлат вазири Мобашар Жавад Акбар бошчилигидаги делегация

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида қабул қилинди.

Учрашувда мамлакатимиз ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Ҳиндистон раҳбариятига мамлакатимиз Биринчи Президенти вафоти муносабати билан Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик изҳор этгани ва қўллаб-қувватлагани, Ҳиндистон делегациясининг Самарқанд шаҳрига ташрифи доирасида Исом Каримов қабрини зиёрат қилиб, унинг хотирасига ҳурмат баҳо келтиргани учун миннатдорлик билдирди.

Мулоқот чоғида сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ўзаро муносабатларга оид, шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Мунтазамлик касб этган олий ва юқори даражадаги Ўзбекистон — Ҳиндистон сиёсий мулоқоти, ишбилармон доиралар вакиллари, маданият ва санъат арбобларининг учрашувлари, илм-фан ва таълим соҳасидаги алмашинувлар эришилган келишувларни амалга ошириш, давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги аъёнвий ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлашга йўналтирилган кўп қиррали муносабатларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этаётгани қайд этилди.

Шу кунини Ҳиндистон делегацияси аъзолари пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи Давлат музейи билан танишди. Юртдошларимизнинг тарихимиз ва аждодларимиз хотирасига чексиз ҳурмати меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Ҳиндистонлик меҳмонлар Ҳазрати Имом (Хастимом) мажмуаси, Лаъл Баҳодир Шастри номидаги мактабда бўлди.

Савара АЛИЖОНОВА, ЎЗА мухбири.

Ижтимоий шериклик — самарадор омили

Жиззах шаҳрида "Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат ва ҳудудий дастурлар ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қўнуччилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган маъмур тадбирда парламент аъзолари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлари ва Тошкент шаҳар Кенгашилари ҳузурдаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиялари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар ва журналистлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизни модернизациялаш ва демократик янгилаш жараёнида қонун ижодкорлигини янада такомиллаштириш, социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислохотларни чуқурлаштириш бўйи-

ча муҳим қарорлар ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилишда фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлашга ус-тувор эътибор қаратилмоқда. Ҳар кимнинг жамият ва давлат ишлари-ни бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқи тўғрисидаги конституциявий қоида "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги, "Қонулар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Респуб-ликаси Олий Мажлисининг Қўнуччи-лик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги, "Электрон ҳуқуқ тўғрисида"ги

каби қатор қонунларда ўз ифодасини тошган.

Жамоатчилик фикрининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида акс этиши жамият ҳаётининг барча соҳаси эҳтиёжларига жавоб берадиган ҳамда хар томонлама пухта қонунлар қабул қилишини муҳим шарт ҳисобланади. Бугун маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонун ижодкорлиги фаолиятида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамия-тининг бошқа институтлари демократик кадриятларини, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонун-ий манфаатларини ҳимоя қилиш омили сифатида ўз ўрни ва таъсир доирасига эга бўлиб бормоқда.

Амалиёт шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда давлат ҳокимияти органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ижтимоий шериклик субъектлари сифатида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан, тармоқ дастурлари, ҳудудий дастурлар,

ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳасида фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини қаролатувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришда ўзаро ҳамкорлик қилмоқда. Эътибор-лиси, томонларнинг ҳамкорлиги тенг ҳуқуқлилик, очик-ошқоралик, муста-қиллик, ҳолислик, ўзаро ҳурмат, ман-фаатларини ҳисобга олиш ва масъу-лият, мажбуриятларни қабул қилиш-нинг ихтиёрийлиги каби тамойиллар асосига қурилаётган.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда 8 минг 600 дан ортиқ ННТ фаолият юритмоқда. Улар орасида қонун ижод-корлиги жараёнида жонбозлик кўрсата-ётган "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Соғлом авлод учун", "Нуроний", "Маҳалла" фондалари каби нодавлат тузилмалар бор.

Хусусан, Жиззах вилоятида нодав-лат нотижорат ташкилотлари сони 537 тани ташкил этмоқда. Улар вилоят ҳокимлиги ва адлия бошқармаси билан биргаликда фермер ҳўжаликлари-

ни ривожлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ноғиронлар ҳуқуқларини таъминлаш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, фахрий-лар, хотин-қизлар, миллий маданият марказлари, касабга уюшмалари билан ишлаш, фан, техника ва таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини фақуллод-да вазиятлардан ҳимоя қилиш, тад-биркорлик ҳамда бизнес соҳаларига оид қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш сий-ҳаракатларида фаол қатнашмоқда.

Муҳокама чоғида иштирокчилар ўзаро фикр алмашдилар, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга оширишга қарати-лган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда қабул қилишда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан самарали фаолиятини таъминлаш бўйича тақлиф ва тавсия-лар билдирилди.

Толибжон ЭРҒАШЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Замонавий саноат қорхоналари

ҳудудлар иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Фарғона вилоятида истиқ-лолнинг дастлабки йилларида 210 та саноат қорхонаси ма-вжуд эди. Бугунги кунга келиб, уларнинг сони қарийб 5000 га етгани, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури 500 хилдан ортиб, шундан 150 таси тайёр маҳсулот эканлиги соҳанинг жадал ривожланаётганини кўрсатади.

Айни пайтда Ўзбекистон ту-манининг "Шўрсув" ШФЙ ҳуду-дида ўнлаб кичик ишлаб чиқа-

риш субъектлари орасидан йи-лгига 100 минг тонна цемент тай-ёрлаш қувватига эга "Turon Cement Group" масъулияти чек-ланган жамиятига алоҳида тўхта-либ ўтиш жоиз. Негаки, ушбу қорхона тўлиқ замонавий техно-логик ускуналар билан жиҳоз-ланган бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнига инновацияларнинг изчил татбиқ этилаётгани ижо-бий натижалар бераётган.

— Қорхонамиз тўққиз ой мо-байнида барпо этилди, — дей-ди унинг раҳбари Авазбек Турдиев. — Бунинг учун 1 мил-

лион 980 минг АҚШ доллари миқдорига маблағ сарфланди. Зарур хом ашёнинг 80 — 90 фоизи Шўрсув массивидаги маъданлар эвазига тўлдирил-моқда. Қолган қисми эса Тош-кент вилоятининг Олмалиқ ша-ҳридаги қорхоналар билан ўрна-тилган кооперация алоқалари асосида таъминланаётган.

Бундан йигирма — йигирма беш йил йилги Фарғона вило-ятида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотларини тайёрлашдаги улуши атиги 2,9 фоизни ташкил этарди. Эндиликда эса бу

кўрсаткич қарийб 15 фоизга етказилди.

Худудда үеиб кўрсаткичлар-ни янада юксалтириш, тармоқ саноат қорхоналари ва ҳудудий саноат ўртасидаги ўзаро коопе-рация алоқаларини ривожланти-риш, энг олий қишлоқларда янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил қилиш ҳамда бу орқали аҳоли бандлигини таъмин-лаш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

— Яқинда Хитойнинг "Henan Yigong Machinery" компанияси-дан 500 минг АҚШ долларилик

гипс ишлаб чиқариш линияси келтириб, фаолиятимизни яна-да кенгайтиришга муваффақ бўлдик, — дейди "New Line Production Sho'rsuv" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Улуғбек Жўраев. — Бу билан ма-ҳалламиз ва қўшни маҳаллалар-дан 70 нафар йигит-қизни меҳ-нат жомамизга жалб қилиш ба-рораберида, маҳсулот тайёрлаш ҳаммини йилгига 60 минг тонна-га етказдик. Айни пайтда маҳ-сулотларимизни 50 дан ортиқ қурилиш саноати қорхоналари ҳамда хориклик буюртмачилар-

Элёржон ЭҲСОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1167. 70 651 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона (0-371) 233-52-55; Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. НАВБАТЧИ МУҲАРРИР — Қ. ХИДИРОВ. НАВБАТЧИ — М. ХОЛМАТОВА. МУСАҲҲИХ — Ш. МАШРАББЕВ. «ШАРҚ» НАШИРЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ. ҚОРХОНА МАНЗИЛИ: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 03.40 Топширилди — 03.45 1 2 3 4 5 6